

## Шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси



09:00 / 06.03.2023 1362

Шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси бир неча номлар билан номланади:

1. Лайлатул муборока – баракали кеча;
2. Лайлатур роҳма – Аллоҳ таолонинг хос раҳмати ёғиладиган кеча;
3. Лайлатус сок – ризқлар белгиланадиган кеча;
4. Лайлатул бароъа – дўзахдан қутулинадиган, озод бўлинадиган кеча.

Урфда бу кеча бароат кечаси деб аталади. «Бароъат» сўзи араб тилида «озод бўлиш», «нажот топиш» деган маъноларни англатади. Бу кечанинг бароат, яъни нажот топиш, озод бўлиш кечаси дея номланишига сабаб, унда Аллоҳ таолонинг раҳмати сабабли беҳисоб инсонлар дўзахдан нажот топадилар. У шаъбон ойининг ўн бешинчи кечасига тўғри келади. Ҳадиси шарифларда у кечанинг улкан фазилати ва хусусиятлари зикр қилинган. Дастлаб бу борадаги ҳадисларни, сўнгра ҳадислардан чиқариб олинган ҳукм ва масалаларни келтирамиз. Чунки бугунги кунда халқимиз орасида бароат кечасининг фазилати борасида ворид бўлган ҳадисларга доир нотўғри фикр ва ташвиқотлар оралаб қолган. Эмишки, бароат кечасининг фазилати тўғрисидага барча ҳадислар мавзуъ ёки тўқима, ёки жуда заиф. Шунинг учун дастлаб бароат кечаси тўғрисида келган ҳадисларни санади билан батафсил тарзда зикр қиламиз. Шояд, бу орқали нотўғри ташвиқот ва тарфибот қилишга ҳаракат қилаётган кимсаларнинг юзлари фош бўлиб, содда, ёр халқни алдашдан четлансалар.

Қуйида аввал бароат кечаси тўғрисида келган ҳадисларни ўрганиб чиқамиз.

